



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марксовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлок  
хужалигини механизациялаш  
мухандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш давлат университети

**Маҳкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафасва Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**


**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Лазизахон Алиджанова</b> БЕРУНИЙНИНГ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ ЁНДАШУВИ.....	5
<b>2. Шоҳрух Гулбаев</b> ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТЎХОРИСТОН.....	9
<b>3. G‘ulom Djumamurotov</b> XVIII ASR VA XIX ASR BOSHLARIDA QORAQALPOQLARNING O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IQTISODIY ALOQALARI.....	13
<b>4. Bahodir Isakov</b> O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY MEROSNING O‘RNI.....	20
<b>5. Parvina Ismoilova</b> TURKISTONGA RUS BANKLARINING KIRIB KELISHI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI).....	24
<b>6. Икрамжон Исмаилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй.).....	29
<b>7. Парвиз Магеррамов</b> ВЗАИМООТНОШЕНИЯ АЗЕРБАЙДЖАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА.....	37
<b>8. Sayyora Turayeva</b> XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MINTAQASIDA XORIJIY JAMIYATLARINING KONCHILIK SOHASIGA KIRIB KELISHI TARIXIDAN.....	44
<b>9. Дмитрий Епифанов</b> ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ПРЕПОДАВАТЕЛЕМ ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА ПРИМЕРЕ CHATGPT.....	55
<b>10. Зебунисо Саидова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЁШ-ЖИНСИЙ ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР).....	65
<b>11. Nishona Hasanova</b> MARKAZIY OSIYODA BOG‘-XIYOBON SAN’ATI VA CHORVACHILIKNING RIVOJLANISH TARIXI.....	74
<b>12. Ўткиржон Хошимов</b> ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	79



**Икромжон Исмаилов,**  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,  
Наманган муҳандислик-технология институти  
ikromjon4242@gmail.com

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР  
(1991-2020 йй.)**

**For citation:** Ikromjon Ismailov. CHANGES IN STAFF TRAINING ACCORDING TO INTERNATIONAL STANDARDS IN UZBEKISTAN (1991-2020 yy.). Look to the past. 2025, vol. 8, issue 3, pp.29-36

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15132820>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро андозаларга мос кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, республикада хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини фаолиятини йўлга қўйиш, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар ўрганилган.

Хусусан, мустақиллик йилларида халқаро андозаларга мос кадрлар тайёрлаш борасида жамғармалар ташкил этилиб, хорижда ёшларни ўқиши молиялаштирилди. Республикада хорижий олий таълим муассасалари ва филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мазкур йўналишда туб ўзгаришлар, самарали ислохотлар ва юқори натижаларга эришилаётгани илмий нуқтаи назардан ёритиб берилган. Бунинг натижасида сон ва сифат кўрсаткичлари бир неча баробарга ўсишга эришилганлиги манбалар асосида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, халқаро ҳамкорлик, бакалавр, магистратура, таълим дастури, қўшма таълим.

---

**Икромжон Исмаилов,**  
старший преподаватель кафедры Общественных наук,  
Наманганский инженерно-технологический институт  
ikromjon4242@gmail.com

**ИЗМЕНЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ  
СТАНДАРТАМ В УЗБЕКИСТАНЕ (1991-2020 гг.)**

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются изменения, произошедшие в системе высшего образования Узбекистана в годы независимости, с акцентом на развитие сотрудничества с зарубежными

странами по подготовке кадров в соответствии с международными стандартами. Также, исследуются вопросы открытия зарубежных высших учебных заведений и их филиалов в республике, а также реализация реформ по подготовке кадров на основе совместных образовательных программ.

В частности, за годы независимости были созданы фонды для подготовки кадров в соответствии с международными стандартами и финансирования обучения молодежи за рубежом. В республике созданы зарубежные высшие учебные заведения и их филиалы. В частности, научно доказано, что на новом этапе развития Узбекистана в этой сфере достигаются коренные изменения, эффективные реформы и высокие результаты. В результате источники отмечают, что количественные и качественные показатели выросли в несколько раз.

**Ключевые слова:** высшее образование, международное сотрудничество, бакалавриат, магистратура, образовательная программа, совместное образование.

**Ikramjon Ismailov,**

Senior Lecturer at the Department of “Social Sciences”,  
Namangan Engineering and Technology Institute  
ikromjon4242@gmail.com

## CHANGES IN STAFF TRAINING ACCORDING TO INTERNATIONAL STANDARDS IN UZBEKISTAN (1991-2020 yy.)

### ABSTRACT

The article examines the changes that have occurred in the higher education system of Uzbekistan in the years of independence, focusing on the development of cooperation with foreign countries in preparing personnel according to international standards. It also explores the establishment of foreign higher educational institutions and their branches in the republic, as well as the implementation of reforms in personnel training based on joint educational programs.

In particular, during the years of independence, funds were created to train personnel in accordance with international standards, and the study of young people abroad was financed. The activities of foreign higher educational institutions and branches were launched in the republic. In particular, it is scientifically proven that at the new stage of Uzbekistan's development, radical changes, effective reforms and high results are being achieved in this direction. As a result, it is shown on the basis of sources that quantitative and qualitative indicators have increased several times.

**Index Terms:** higher education, international cooperation, bachelor's degree, master's degree, educational program, joint education.

### 1. Долзарблиги:

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Хусусан, республикада мавжуд олий таълим муассасалари таълим дастурларини илғор хорижий олий таълим муассасалари дастурларига мослаштириш, такомиллаштириш билан бирга мустақиллик йилларида ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини Ўзбекистонда фаолиятини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида республикада хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини очишга қаратилган ислохотларни икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич, мустақилликнинг дастлабки йилларидан то 2017 йилгача бўлган даврни ўз ичига олса, иккинчи босқич 2017 йилдан кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган ўзгаришларни қамраб олади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган илмий усуллар – қиёсий-тарихий таҳлил, мантикий таҳлил, кетма-кетлик ҳамда тарихийлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Мавзу

юзасидан шу вақтга қадар олиб борилган илмий тадқиқотлар ва адабиётларни, уларнинг мазмун ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тадқиқот натижаларида танишиш мумкин.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан республикада хорижий олий таълим муассасаларини очишдан кўзланган асосий мақсад бозор муносабатларига жавоб берадиган, халқаро билим ва тажрибага эга бўлган рақобатбардош мутатахассис кадрларни нафақат хорижда, балки республика миқёсида тайёрлаш, шу билан бирга, маҳаллий олий таълим муассасаларининг жаҳон олий таълим тизимига интеграциясини тезлаштиришдан иборат эди. Бундан ташқари, дунёдаги халқаро ташкилотлар ҳам олий маълумотли кадрларлар тайёрлашда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялар бермоқда эди. Масалан, ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган XXI аср учун олий таълим тўғрисидаги Бутунжаҳон Декларацияси (1998 йил 9 октябрь)да XXI асрда олий таълимнинг аҳамияти, унинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга, келажакда ёш авлоднинг ҳаётдаги ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган ва дунё мамлакатларини мазкур масалада бир-бирлари билан ҳамкорликка даъват этган[1].

Дастлаб 1995 йилда Россия Федерациясининг нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланган Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, республика эҳтиёжлари учун ўта зарур бўлган бозор иқтисодиёти ва менежменти қонуниятларини эгаллаган юқори малакали кадрларни тайёрлашга киришди[2]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги “Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети” олий касб таълими федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 318-сонли қарори қабул қилинди[3]. Бу қарорга асосан, “Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети” олий таълим Федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий касб таълими соҳасида таълим фаолияти юритиш ҳукуқи берилди[4]. Филиал бугунги кунга қадар республика иқтисодий соҳалари учун замон талабларига мос ҳолда кадрлар тайёрлаб келмоқда. Жумладан, бакалавриат ва магистратура талабалари сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 703 кишини ташкил қилди. Филиал ўз фаолияти давомида (1995 йилдан) 3518 нафардан ортиқ битирувчиларни, шу жумладан, 2,7 мингдан ортиқ бакалавр ва 800 дан ортиқ магистрларни тайёрлади[5].

Мустақилликнинг кейинги йилларида ҳам республикада бир қатор етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, Республика Президенти ва ҳукуматининг тегишли қарорларига асосан, 2002 йилда Буюк Британиянинг Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети[6], 2006 йилда Россиянинг М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали[7], 2007 йилда Россиянинг Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали[8], 2007 йилда Сингапур Республикасининг Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти[9], 2009 йилда Италия Республикасининг Тошкент шаҳрида Турин политехника университети[10], 2014 йилда Жанубий Кореянинг Тошкент шаҳридаги Инҳа университетлари фаолият юрита бошлади[11]. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, дастурлаш, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳукуқи, туризм каби меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда[12].

Мустақиллик йилларида республикада чет эл олий ўқув юртлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида 2017 йилга келиб мамлакатда 7 та хорижий олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Республикада чет эл олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ислохотлар эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилмади. Масалан, 2014 йилда республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг умумий сонининг атига 1 фоизи хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига

камраб олинган эди[13]. Бу ўз навбатида паст кўрсаткич бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро стандартларга мос кадрлар тайёрлаш бўйича амалга ошириши лозим бўлган тараққиёт дастурларига мос эмас эди. Иккинчидан, юқорида келтириб ўтилган олий таълим муассасаларининг барчаси Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ўзига хос демографик хусусиятга эга ва аҳоли зичлиги юқори бўлган Фарғона водийси минтақасида бундай олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмади. Нафақат Фарғона водийсида, балки республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам хорижий олий таълим муассасалари очилмади. Оқибатда республиканинг бошқа вилоятларида бўлгани каби, Фарғона водийси вилоятлари ёшларини Ўзбекистондаги чет эл олий ўқув юртлирида таҳсил олиш имконияти кенгаймади.

2017 йилдан бошлаб республикада хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини очиш бўйича амалга оширилган ислохотларнинг иккинчи даври бошланди. Таълим тизимларининг барча бўғинларида бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам халқаро стандартларга жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратила бошланди. 2017-2018 йилларда мамлакатимизда 5 та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди[14].

Хусусан, 2017 йилгача республикада 7 та хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари фаолият юритган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 25 тага етди. Охириги уч йилда республикада 18 та янги чет эл олий ўқув юртлири ва уларнинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди[15]. Бу ижобий ўзгаришларнинг эътиборли жиҳати шундаки, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларининг нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, республикада биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги “Латвиянинг ахборот тизимлари менежменти олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3952-сон Қарори қабул қилинди[16]. Қарорга асосан, хорижий олий таълим муассасаларини ҳудудларда очишга қаратилган ислохотлар натижасида республика вилоятлари орасида иккинчи, Фарғона водийси вилоятлари бўйича биринчи хорижий олий таълим муассасаси филиали Фарғона шаҳрида ташкил қилинди. Филиалда республика ҳамда Фарғона водийси вилоятлари ижтимоий-иқтисодий соҳалари учун зарур бўлган туризм, меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш, хизматлар соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, информатика ва ахборот технологиялари соҳалари бўйича бакалавр, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш, ахборот тизими йўналишлари бўйича магистрлар тайёрлаш бошланди[17]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 714-сон Қарорига[18] асосан, яна бир хорижий олий таълим муассасасининг Фарғона шаҳрида фаолияти йўлга қўйилди. Университетнинг 11 та факультетида 1270 нафар талаба таҳсил олмоқда[19]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4278-сон қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Ҳиндистон Республикасининг Шарда университети Андижон вилоятида ташкил қилинди[20]. Университетда ахборот технологиялари соҳалари бўйича халқаро андозаларга мос кадрлар тайёрлаш бошланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2018-2020 йилларда республикада 18 та хорижий олий таълим муассасаси ташкил этилган бўлса, шундан 3 таси Фарғона водийси вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бу, ўз навбатида, Фарғона водийси вилоятлари ёшлари учун илғор хорижий дастурлар асосида ўзлари яшаётган вилоятда таҳсил олиш имкониятини яратди. Бугунги кунда бу хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг 90 фоизини маҳаллий ёшлар ташкил қилади.

Халқаро андозаларга мос олий маълумотли кадрлар тайёрлашга қаратилган ислохотлар нафақат республикада ташкил этилган хорижий олий таълим муассасаларида, балки хорижий олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда икки томонлама диплом беришни назарда тутувчи қўшма таълим дастурлар асосида кадрлар тайёрлашга киришилди. Республика

тарихида илк бор 2018 йилдан бошлаб қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш амалиётга тадбиқ этилди. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, 2018 йилнинг 18 октябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон-Россия таълим форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 8 та филиал, 22 та қўшма факультет, 46 та икки томонлама қўшма дастурларни жорий қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Ўзбекистон-Россия таълим форумининг муваффақиятли ўтказилиши натижасида Россия Федерациясидаги нуфузли олий таълим муассасаларининг юртимизда филиалларини ташкил этиш, икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида академик тайёргарлик, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, талабаларнинг илмий ва инновацион форумларини ўтказиш, биргаликда илмий тадқиқотлар ва бошқа тадбирларни олиб бориш борасида келишувларга эришилди[21]. Шу ўрнида алоҳида таъкидлаш жоизки, республикада хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини очиш, қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш борасида Россия Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкори бўлиб, бу борада Россия бугунги кунда республикада етакчи ҳисобланади. Хусусан, 2020 йилгача Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг 12 таси Россия олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил қилинган[22]. Республика бўйича 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилган бўлса[23], шулардан 4 таси Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасалари ҳисобланади. Россия олий таълим муассасалари билан халқаро стандартларга мос олий маълумотли кадрларни тайёрлаш борасида ҳамкорлик алоқаларига катта эътибор қаратилаётганлигига бир қатор асосий сабаблар мавжуд. Булардан асосийлари, бу икки давлат олий таълим муассасалари кадрлар тайёрлашдаги дастур ва стандартлар бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Иккинчидан, ўзбекистонлик ёшлар орасида Россия олий таълим муассасаларида таҳсил олишни хоҳловчилар кўпчиликини ташкил қилади. Масалан, 2015/2016 ўқув йилида 14 минг нафар ўзбекистонлик талаба Россия олийгоҳларида таҳсил олган[24]. Шу жиҳатдан, республикада Россия олий ўқув юртлари филиалларини очишга, ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган мақсад, биринчидан, халқаро даражада кадрлар тайёрлаш бўлса, иккинчидан, республика ёшларига хорижга чиқмасдан республикада ёки ўзлари яшаётган вилоятда халқаро андозаларга мос таълим олиш имкониятини яратишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жумладан, республикада 2018 йилда 16 та[25], 2019 йилда 55 та, 2020 йилда 58 та қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди[26]. Уларга ажратилган квоталар 2018 йилда 1130 та, 2019 йилда 6230 та, 2020 йилда 8124 тага ташкил қилинди[27]. Шу қисқа вақт мобайнида республикада хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ва уларга ажратилган квота ўринлари бир неча баробар ўсишига эришилди.

#### **4. Хулосалар:**

Мустақиллик йилларида халқаро андозаларга мос кадрлар тайёрлаш борасида жамғармалар ташкил этилиб, хорижда ёшларни ўқиши молиялаштирилди. Республикада хорижий олий таълим муассасалари ва филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. 2017 йилдан бошлаб бу соҳани жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, хорижда ёшларни ўқитишни молиялаштириш, республикада хорижий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, қўшма таълим асосида кадрлар тайёрлаш, нодавлат таълим муассасаларини ташкил қилиш, шунингдек, республикада хорижий фуқароларнинг таҳсил олишлари учун самарали ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида сон ва сифат кўрсаткичлари бир неча баробарга ўсишга эришилди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Давлетова М. Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланиши: Сиёсий фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2007. – Б.94-95. (Davletova M. The policy of the state of Uzbekistan in the field of higher education and its development: Political science. Dissertation ... - Tashkent, 2007. - P.94-95).
2. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши ва тарихшунослиги. Очерклар II. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.А.Алимова. – Тошкент: Адабиёт учқунлари. 2017. – Б.311. (The development of education and historiography in Uzbekistan. Essays II. Responsible editor: Doctor of Political Science, prof. D.A. Alimova. – Tashkent: Sparks of Literature. 2017. – P.311).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги “Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети” олий касб таълими федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” 318-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/564330> (16.05.2018) (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 5, 2002 No. 318 “On the organization of the activities of the branch of the federal state budgetary educational institution of higher professional education named after G.V.Plekhanov Russian University of Economics” in Tashkent. <https://lex.uz/docs/564330> (16.05.2018).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги “Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети” олий касб таълими федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” 318-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/564330> (16.05.2018) (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 5, 2002 No.318 “On the organization of the activities of the branch of the federal state budgetary educational institution of higher professional education named after G.V.Plekhanov Russian University of Economics” in Tashkent. <https://lex.uz/docs/564330> (16.05.2018).
5. Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг расмий сайти. <https://tashkent.rea.ru/> (18.09.2019) (Official website of the G.V.Plekhanov Russian University of Economics. <https://tashkent.rea.ru/> (18.09.2019).
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2002 йил 16 январдаги “Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 22-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2002. 2-сон. – Б.56-58. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 16, 2002 No.22 “On the organization of the International Westminster University in Tashkent”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2002. No.2. – P.56-58).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 февралдаги “М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-290-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2006. 9-сон. – Б.3-5. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2006 No.PP-290 “On the organization of the activities of the branch of the M.V.Lomonosov Moscow State University in Tashkent”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2006. No.9. – P.3-5).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги “Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-564-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2007. 3-сон. – Б.29. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 12, 2007 No.PP-564 “On the organization of the activities of the branch of the Russian State University of Oil and Gas named after I.M.Gubkin in the city of Tashkent”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2007. No. 3. – P.29).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги “Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш

тўғрисида”ги ПҚ-691-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2007. 35-36-сонлар. – Б.7. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 5, 2007 No.PP-691 “On the organization of the activities of the Singapore Institute for Management Development in the city of Tashkent”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2007. No.35-36. – P.7).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги “Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1106-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/1476912?otherlang=1> (20.03.2019) (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 27, 2009 No.PP-1106 “On the organization of the activities of the Turin Polytechnic University in the city of Tashkent”. <https://lex.uz/ru/docs/1476912?otherlang=1> (20.03.2019).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2155-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2440275> (11.01.2019) (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No.PP-2155 dated March 24, 2014 “On the establishment of Inha University in Tashkent”. <https://lex.uz/docs/2440275> (11.01.2019).

12. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши ва тарихшунослиги. Очерклар II. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.А.Алимова, – Тошкент: Адабиёт учқунлари. 2017. – Б.312. (Development of education and historiography in Uzbekistan. Essays II. Editor-in-chief: Doctor of Philosophy, Professor D.A. Alimova, – Tashkent: Sparks of Literature. 2017. – P.312).

13. Ўзбекистон Модернизация системы высшего образования. 2014 июнь. Отчет №88606-UZ. Документ Всемирного банка. С.17. <http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf> (18.06.2019) (Uzbekistan Modernization of the Higher Education System. June 2014. Report No.88606-UZ. Document of the World Bank. P.17 <http://documents1.worldbank.org/curated/en/737161501483080910/pdf/88606-28-7-2017-14-44-29-UzbekistanHigherEducationReportru.pdf> (18.06.2019).

14. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.19 (Mirziyoyev Sh.M. An educated generation is a guarantee of a great future, an enterprising people are a guarantee of a prosperous life, and friendly cooperation is a guarantee of development. – Tashkent: “Uzbekistan”, 2018. – P.19).

15. Таълим хизматлари бозорида етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг иштироки <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (19.05.2021) (The participation of leading foreign higher educational institutions in the educational services market. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (19.05.2021).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги “Латвиянинг ахборот тизимлари менежменти олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3952-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2018. 39-сон. – Б.26 (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 26, 2018 No.PP-3952 “On the establishment of a branch of the Latvian Higher School of Information Systems Management in the city of Fergana”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2018. No.39. – P.26).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 сентябрдаги “Латвиянинг ахборот тизимлари менежменти олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3952-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2018. 39-сон. – Б.26 (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 26, 2018 No. PP-3952 “On the establishment of a branch of the Latvian Higher School of Information Systems Management in the city of Fergana”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2018. No. 39. – P.26.).

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 714-сон

Қарори <https://lex.uz/docs/4487440> (20.02.2020) (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 23, 2019 No.714 “On the establishment of the Korean International University in the city of Fergana”. <https://lex.uz/docs/4487440> (20.02.2020).

19. Ўзбекистон-Корея халқаро университети расмий веб сайти. <https://www.kiuf.uz/> (25.04.2020) (Official website of the Korean International University of Uzbekistan. <https://www.kiuf.uz/> (25.04.2020).

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4278-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2019. 15-сон. – Б.26 (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 10, 2019 No.PP-4278 “On the establishment of Sharda University in Uzbekistan”. Collection of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: 2019. Issue 15. – P. 26.).

21. Ўзбекистон-Россия таълим форуми бошланди. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/olii-talim/1809.htm> (18.09.2019) (The Uzbekistan-Russia Education Forum has started. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/olii-talim/1809.htm> (18.09.2019).

22. Ўзбекистон Республикаси олий ўрта махсус таълим вазирлиги. Статистик маълумотлар. 11-жадвал. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021) (Ministry of Higher Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. Statistical data. Table 11. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021).

23. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. <https://lex.uz/docs/4545884> (16.05.2020) (Concept for the development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030. <https://lex.uz/docs/4545884> (16.05.2020).

24. Официальный сайт о высшем образовании в России для иностранных студентов. <https://studyinrussia.ru/actual/articles/obuchenie-v-rossii-dlya-grazhdan-uzbekistana/> (19.04.2021) (Official website of higher education in Russia for international students. <https://studyinrussia.ru/actual/articles/obuchenie-v-rossii-dlya-grazhdan-uzbekistana/> (19.04.2021).

25. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. <https://lex.uz/docs/4545884> (16.05.2020) (Higher education system of the Republic of Uzbekistan in 2030).

26. Ўзбекистон Республикаси олий ўрта махсус таълим вазирлиги. Статистик маълумотлар. 11-жадвал. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021) (Ministry of Higher Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. Statistical data. Table 11. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021).

27. Ўзбекистон Республикаси олий ўрта махсус таълим вазирлиги. Статистик маълумотлар. 11-жадвал. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021) (Ministry of Higher Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan. Statistical data. Table 11. <https://www.edu.uz/uz/pages/sss> (25.06.2021).

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000